

8-1-2020

## PROBLEMS AND SOLUTIONS OF RISK MANAGEMENT OF AGRICULTURAL ENTERPRISES

A. Iskandarov  
*Karshi Engineering and Economics Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Iskandarov, A. (2020) "PROBLEMS AND SOLUTIONS OF RISK MANAGEMENT OF AGRICULTURAL ENTERPRISES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 8.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**А.М.Искандаров**

*Қарши муҳандислик-иқтисодий институти*

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ**

Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги рискларни бошқариш воситалари ва услубий асослари кўриб чиқилган. Корхонада рискларни бошқариш тажрибаси таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида рискларни бошқариш тизимини шакллантиришнинг турли жиҳатлари келтирилган. Рискларни миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш усуллари кўриб чиқилган, қишлоқ хўжалиги корхоналари рискини бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу усулларни амалда қўллаш муаммолари аниқланган.

**Таянч сўз ва иборалар:** риск (ишлаб чиқариш, молия, тижорат, бозор, корпоратив ва қишлоқ хўжалиги рисклари), рискларни бошқариш ва баҳолаш методлари, рискларга таъсир қилиш усуллари ва босқичлари.

## **ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

В данной статье изучены инструментарий и методологический аппарат управления рисками сельскохозяйственной деятельности. Проанализирован опыт управления рисками на сельскохозяйственных предприятиях. Приведены различные аспекты формирования системы управления рисками предприятия. Рассмотрены методы количественного и качественного анализа рисков, а также разработан алгоритм управления рисками сельскохозяйственных предприятий. Выявлены проблемы практической реализации данных методов.

**Ключевые слова:** риск (производственный, финансовый, коммерческий, рыночный, корпоративный и сельскохозяйственный риски), методы управления рисками и их оценки, методы и этапы подверженности рискам.

## **PROBLEMS AND SOLUTIONS OF RISK MANAGEMENT OF AGRICULTURAL ENTERPRISES**

This article explores the tools and methodological apparatus of agricultural risk management. The experience of risk management at an agricultural enterprise is analyzed. Various aspects of the formation of the enterprise risk management system are presented. Methods of quantitative and qualitative risk analysis are considered, and an algorithm for risk management of agricultural enterprises is developed. The problems of the practical implementation of these methods are identified.

**Key words:** risk (production, financial, commercial, market, corporate and agricultural risks), risk management methods and their assessment, methods and stages of risk exposure.

### **Кириш**

Қишлоқ хўжалиги соҳаси энг хавфли соҳалардан бири ҳисобланади, шу сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолияти доимо рисклар

таъсири остидадир. Одатда, кишлок тадбиркорлари хавфли вазиятларда қарор қабул қилишдан ўзларини олиб қочадилар, юқори даромад олиш мумкин бўлган ҳоллар бундан мустаснодир. Ҳаммага маълумки, юқори даромад тўғридан-тўғри юқори риск даражаси билан боғлиқдир. Шу сабабли, рискли, аммо юқори фойда келтирадиган вазиятларни бошқаришга талаб ошиб бормоқда.

Агросаноат мажмуи ва умуман миллий иқтисодиётга рискларнинг таъсир даражаси, айниқса жаҳон миқёсида юз бераётган салбий тенденциялар (молиявий-иқтисодий рецессиялар, пандемия) туфайли келиб чиққан инқироз шароитида агросаноат мажмуасининг рискларини қайтадан кўриб чиқишни долзарб масалага айлантирди.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Иқтисодий фан ва амалиётда рискларни яхлит назарияси ҳали шакллантирилмаган. Илмий адабиётларда 50 дан ортиқ турли риск мезонлари ва 250 дан ортиқ турлари келтирилган. Биринчи мартоба, риск тушунчаси тадбиркорликнинг функционал хусусияти XVII-асрда француз иқтисодчиси R.Cantillon томонидан илгари сурилган, у тадбиркорни ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қиладиган ва ўз манфаатларини қондирадиган шахс сифатида қараган [1].

Риск ва ноаниқлик ҳар қандай қарор қабул қилиш учун муҳим бўлган иккита турли атамадир. Бунда рискни номукамал билим сифатида аниқлаш мумкин ва юз бериши эҳтимоли мумкин бўлган натижалар маълумдир, ноаниқлик эса эҳтимоли мумкин бўлган ҳадисалар натижаларининг ноаниқлигидир. Риск ва ноаниқлик кишлок хўжалигидан муҳимроқ бўлган соҳани тасаввур қилиш қийин. Бунда агросаноат корхоналари рискларни бошқаришда якка тартибдаги фермерларга нисбатан кенг имкониятларга эга. Фермер эса риск ва ноаниқлик шароитида қолади ва у учун бу ҳолатларни енгиб ўтиш қийин кечади. Шу сабабли улар фаолиятида риск менежментини жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади [2].

Рискнинг объектив мавжудлиги шароитида, корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун зарурий шарт бу рискнинг мавжудлигини ҳисобга оладиган ва бир томондан унинг корхонага салбий таъсирини камайтиришга имкон берадиган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни сифатида белгиланадиган рискларни бошқариш тизимини шакллантиришдир, иккинчи томондан эса бизнеснинг ўсиши ва ривожланиши учун пайдо бўладиган имкониятлардан самарали фойдаланишдир [3].

Жаҳон ва миллий иқтисослашган адабиётларда “рискларни бошқариш” (“риск менежмент”) тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода, рискларни бошқариш бу риск шароитида давлат аппарати, ишлаб чиқариш ва иқтисодий бўлимлар фаолияти ёки шахснинг ҳаёти учун муваффақиятли шароитларни яратиш санъати ёки фанидир. Тор маънода рискларни бошқариш иқтисодий рискни камайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнидир. Бу ҳар қандай тасодифий

йўқотишларни камайтириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шаклида ёки қарорлар кўринишида амалга оширилиши мумкин [4].

Замонавий шароитида талаб ва таклифнинг беқарорлиги, валюта курсининг ўзгарувчанлиги, инфляция жараёнлари, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини белгиловчи кўплаб бошқа омиллар, шунингдек, корхоналар ўз иқтисодий фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган бир қатор рисклар мавжуддир. Рискларни минималлаштиришнинг кўйидаги асосий усуллари мавжуд: суғурталаш; деверсификациялаш; ўзини-ўзи суғурталаш; лимитлаштириш; хедждирлаш; франчайзинг ва бошқалар. Буларнинг барчаси корхонанинг бозорда изчил, барқарор ва молиявий жиҳатдан мустақил фаолиятни амалга оширишга имкон беради [5].

Д.В.Буньковский ўз илмий ишларида корхона рискларини бошқариш муамоларини таҳлил қилган. Корхонада рискларни бошқариш тизимини шакллантиришнинг турли жиҳатларини ўрганган. Тадбиркорлик фаолияти хавфини миқдорий ва сифат таҳлил қилиш усулларини кўриб чиққан, уларни корхона фаолиятида қўллаш муаммоларини аниқлаган. Шунингдек, муайян корхона учун рискларни бошқариш воситаларидан самарали фойдаланиш ёки мақбулини танлаш унинг саноат соҳаси ва фаолият йўналишларига боғлиқлигидан келиб чиқади деган хулосаларни шакллантирган [6].

В.Н.Хохлованинг илмий ишларида рискларни бошқариш жараёни кўйидаги асосий босқичларга ажратилган:

– Рискнинг моҳиятини таҳлил қилиш, риск омилларини аниқлаш, рискларни сифат ва миқдорий кўрсаткичлар бўйича баҳолаш;

– рискга таъсир қилиш усулларини таққослаш орқали уларнинг самаралигини танлаш;

– қарор қабул қилиш;

– рискга таъсир қилиш (камайтириш, сақлаш, ўтказиш);

– рискни бошқариш натижаларини назорат қилиш [7].

Тадбиркорлик фаолиятидаги рискларни бошқариш тизими даромадларни шакллантириш ва харажатларни қисқартириш, улар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йўналтирилган корхонанинг бошқарув тизимининг бир қисмига айланиши керак, яъни у корхонанинг умумий стратегиясига, унинг режалари ва фаолиятига кўшилиши, биргаликда олиб борилиши лозим. Корхонанинг стратегиясини ишлаб чиқишда рискнинг мавжудлигини ҳисобга олиш керак, акс ҳолда у иқтисодий ривожланишни секинлаштириши мумкин, чунки салбий эҳтимолий воқеаларнинг таъсирини ҳисобга олмасдан бизнесни самарали фаолиятини яратиш мумкин эмас [8].

Ҳозирги кунда рискларни бошқариш барқарор ривожланаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини стратегик ва тезкор бошқаришнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Муайян риск ҳажмини баҳолаш моделини ишлаб чиқишни назарда тутувчи “рискни баҳолаш” тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, корхоналар “рискни бошқариш”га ўтишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу муносабат билан молия институтлари учун мавжуд амалиётни ва қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган нодавлат секторидаги корхоналар

учун рискларни бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади [9] .

### Таҳлил ва натижалар

Юқорида келтирилган илмий ва амалий адабиётлар таҳлили асосида рискларни баҳолашнинг дастлабки жараёнида риск ҳолати моделини яратиш ва унинг элементларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Рискли вазиятда учта асосий таркибий қисмни ажратиш мумкин: рискнинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи омиллар, алоҳида гуруҳлар ва риск турлари, риск оқибатлари.

Биз маҳаллий корхоналар ва тадбиркор субъектларининг рискларини бошқариш жараёнини оптимал шакллантиришлари, тегишли таркибий бўлинмаларни ташкил этиш ва рискларни бошқаришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишлари мумкин бўлган рискларни бошқариш методологиясини яратишга ҳаракат қилдик.

Ишлаб чиқилган методология корхона ходимларининг рискларни бошқариш жараёнини ташкил этишдаги хатти-ҳаракатларининг алгоритмидир, бу рискларнинг моҳияти, рискларни бошқариш тизимининг корхонани бошқаруви тизимидаги ўрни, рискларни бошқариш учун мавжуд воситалар тўплами ва рискларни бошқариш жараёнида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини тушунишга асослангандир.

Корхоналар фаолиятидаги рискларни комплекс бошқариш бўйича биз таклиф этаётган алгоритм олти босқичдан иборат:

1. Мақсад ва вазифаларни аниқлаш.
2. Рискларни аниқлаш (идентификациялаш).
3. Рискларни баҳолаш.
4. Рискларга таъсир ўтказиш.
5. Назорат ва натижаларни мониторинг қилиш.
6. Корхонанинг риск сиёсатини ишлаб чиқиш ва тузатишлар киритиш.

Рискларни бошқариш тизимини яратишнинг **биринчи босқичи** кўйидаги саволларга жаваоб бериши керак:

1) Нима учун корхона рискларни бошқариш тизимини яратади, бундан кўзланган асосий мақсад нима, бу қандай қиймат омилларига таъсир қилади?

2) Рискларни бошқаришнинг қайси тизимини танлаш керак – марказлаштирилган ёки марказлаштирилмаган, комплекс ёки яхлит танланганини?

3) Тизимни яратишга қанча маблағ сарфлашга тайёрмиз?

4) Корхонада бу тизимдан кимлар фойдаланади?

Биринчи босқични самарали амалга ошириш кўйдагиларга имкон беради:

– Тизимнинг якуний маҳсулотига талабларни аниқ ифодалашга;  
– тизимни яратиш ва ишнинг энг муҳим йўналишларига эътибор қаратиш учун маблағларни тежашга;

– энг муҳим нуқталарга ва тўғри мақсадли йўналишга таъсир кўрсатган ҳолда самарали ва тез натижаларга эришишга.

Рискларни бошқаришнинг мақсадлари ва вазифалари хўжалик фаолиятининг тури ва ихтисослашувига қараб фарқ қилиши мумкин, шунингдек улар тизимни яратиш жараёни бошланишидан олдин аниқ белгиланиб олинishi лозим.

Рискларни аниқлаш умумий рискларни бошқариш алгоритмининг **иккичи босқичидир**. Умуман олганда, рискларни аниқлаш жараёни кўйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- 1) рисклар тўғрисида маълумотларни тўплаш;
- 2) корхона рисклари дарахтини (ечимлар дарахти) шакллантириш;
- 3) рискларни ранжирлаш (рангларга, тоифаларга ажратиш);
- 4) корхона ичида рискларни бошқариш.

Замонавий адабиётларда берилган ва амалда қўлланиладиган турли хил рискларни таснифлашни ўрганиш натижаларига кўра бу соҳада ягона стандарт ва ёндашув мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзи мустақил равишда риск гуруҳларини шакллантириши ва таснифлаши мумкин бўлади. Бунда ёндашувнинг асосий элементи рискларни бошқаришнинг кейинги соҳаларида амалий тақсимлашдир, яъни рискни таснифлашда уларни бошқариш тизими билан боғлаш ҳисобланади.

Рискларни бундай таснифлаш корхонанинг индивидуал бизнес-жараёнларида рискларни баҳолашга ва фаолиятининг муайян функционал йўналишлари бўйича уларни гуруҳлашга асосланади.

Таклиф этилаётган таснифлаш усулига асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рискларини кўриб чиқишда рискларнинг тўртта асосий тоифасини ажратиш мумкин:

**1) Операцион (ишлаб чиқариш) рисклари** – бизнес-жараёнлар, тизимлар ёки инсон омилининг етарли даражада ишламаслиги, ишламай қолиши, шунингдек корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ ҳалокатли ҳодисаларнинг бошланиши натижасида бевосита ёки билвосита зарар етказиш rischi, яъни корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ва уни таъминлаш билан боғлиқ рисклардир.

Ўрганиш давомида операцион рисклар гуруҳини аниқлайдиган асосий операцион бизнес-жараёнларига кўйидагилар киритилди:

1. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни (ишлов бериш, култивация, чорва молларини боқиш, хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулт ишлаб чиқариш). Ушбу бизнес-жараёнларга иқлим шароитлари, ишлаб чиқариш ускуналарининг ишлаши, ишлаб чиқариш хавфсизлиги, табиий офатлар, ишлаб чиқаришдаги узилишлар ва бошқалар билан боғлиқ ишлаб чиқариш рисклари хосдир.

2. Хом ашё ва материалларни етказиб бериш жараёни (ишлаб чиқариш жараёнини зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаш). Ушбу бизнес жараёни хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларнинг етишмаслиги ёки ўз вақтида етказиб берилиши билан боғлиқ бўлган рисклар гуруҳи мосдир.

3. Хом ашё ва тайёр маҳсулотни ташиш жараёни. Тарнспорт рисклари гуруҳи, ташиш учун ишлатиладиган транспорт турлари билан боғлиқ рисклардан

иборат. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми тез бузиладиган тоифага тегишли бўлганлиги сабабали қишлоқ хўжалиги корхоналарининг деярли барчаси ушбу риск гуруҳига дуч келади.

4. Ишлаб чиқаришнинг ташқи ва ички муҳитига таъсири жараёни, шу жумладан экология ва корхонанинг ўз фаолияти билан боғлиқ контрагентлар олдидаги жавобгарлиги. Бу бизнес жараёнлар атроф-муҳит ва жавобгарлик rischi гуруҳларига мос келади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ва предмети ер бўлганлиги сабабли атроф-муҳитга ва тупроқ унумдорлигига етказилган зарар ўнглаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Асосий операцион рисклар 1-жадвалда келтирилган.

## 1-жадвал

### Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг операцион рисклари<sup>1</sup>

Операцион (ишлаб чиқариш) рисклари	Ишлаб чиқариш рисклари	Табиий офатлар натижасида мол-мулкларнинг зарарланиши, йўқотилиши
		Табиий омиллар, эпидемиялар ва эпизотиялар натижасида экинлар ёки ҳайвонларнинг зарарланиши, нобуд бўлиши
		Табиий ва бошқа омиллар туфайли ишлаб чиқаришда узилишлар ёки тўхтаб қолишларнинг содир бўлиши
		Қишлоқ хўжалиги техникаларининг бузилиши, тиклаб бўлмаслиги ва йўқотилиши
		Ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси
		Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновациялар билан боғлиқ рисклари
	Ишлаб чиқаришни хом ашё, асосий воситалар ва ёрдамчи материаллар билан таъминлашдаги рисклар	
	Транспорт рисклари	Ташиш жараёнида юкларнинг шикастланиши, бузилиши, йўқолиши
		Траспорт тармоқларининг рисклари
	Жавобгарлик рисклари	Учинчи шахслар олдидаги жавабгарлик
		Маҳсулот ишлаб чиқарувчигнинг жавобгарлиги
		Бевосита ишларни бажарувчилар жавабгарлиги
		Раҳбар ва менежерлар жавабгарлиги
	Экологик рисклар	Атроф-муҳит ифлосланишининг ошиши
		Ҳосилдорликнинг пасайиши, тупроқ қиймати, унумдорлигининг йўқ қилиниши
Жавобгарлик даражасининг ошиши (молиявий санкциялар)		

**2) Молиявий рисклар** – кохонанинг молиявий фаолияти билан боғлиқ рисклар. Молиявий рискларнинг таснифини белгиловчи асосий бизнес жараёнларга қўйидагилар киради: молиявий маблағларни жалб қилиш; айланма капитални молиялаштириш; инвестицияларни молиялаштириш; дебиторлик қарздорликнинг ошиши; бухгалтерия ва солиқ ҳисоби; бўш пул маблағларни жойлаштириш; фойдани тақсимлаш ва бошқалар. Молиявий рисклар турлари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

<sup>1</sup> Адабиётлар таҳлили натижасида муаллиф томонидан тайёрланди

## Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий рисклари<sup>2</sup>

Молиявий рисклар	Кредит риси	Истеъмолчи дефолти
		Қоплаш rischi
		Контраген банк дефолти
		Таъминотчи дефолти
		Суғурта компаниясининг дефолти
	Ликвидлик риси	Мажбуриятларни қоплаш учун маблағларнинг етарлилиги
		Мажбуриятларни муддатидан олдин тақдим қилиш rischi
		Молия бозорлари орқали молиялаштиришдаги чекловлар туфайли ликвидликнинг етишмаслиги
	Инвестицион риск	Лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағларнинг етарлилиги
		Лойиҳаларнинг молиявий моделга мослиги
		Инвестиция лойиҳаси ҳамкорларининг ишончлилиги rischi
		Молиявий қўйилмаларнинг рисклари
	Солиқ rischi	Солиқ қонунчилигидаги салбий ўзгаришлар
		Бухгалтерия ва солиқ ҳисобидаги хатоликлар
		Солиқ қонунчилигининг турли талқини
Трансфер нархларидаги чекловлар		
Режалаштириш риси	Режалаштириш моделининг мослиги	
	Жорий харажатларнинг бюджетдан ортиши	
	Бюджет бўйича даромадларнинг бажарилмаслиги	

**3) Бозор рисклари** – хом ашё ва тайёр маҳсулотлар нархлари, фоиз ставкалари ва валюта курслари каби бозор омилларининг ўзгариши билан боғлиқ рисклар. Бозор рискларини гуруҳлаш корхонанинг бизнес жараёнларига бевосита боғлиқ эмас, балки маҳсулот ишлаб чиқариш ёки эркин бозорларда баҳоланадиган товарлар, маҳсулотлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш билан боғлиқдир.

Бозор рискларига қоида тариқасида қўйидагиларни ўз ичига олади:

– Тайёр маҳсулот нархининг ўзгариши билан боғлиқ рисклар (агар корхона биржа товари ёки бошқа биржа товарига боғланган товар ишлаб чиқарса) – дон, шакар ва бошқа товарлар тоифасига кирувчи товарларнинг намунаси;

– ишлаб чиқариш омиллари сифатида фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар, шу жумладан хом ашё ва материаллар (айниқса ёқилғи-мойлаш материллари), электр энергия, сув, транспорт хизматлари ва бошқа нархларнинг ўзгариши билан боғлиқ рисклар;

– валюта курсларининг салбий ўзгариши билан боғлиқ рисклар (валюта рисклари);

– сузувчи фоиз ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ рисклар (фоиз ставкаси rischi);

<sup>2</sup> Адабиётлар таҳлили натижасида муаллиф томонидан тайёрланди



**4) Умумий корпоратив рисклар** – бизнес юритиш билан боғлиқ рисклар, шу жумладан тижорат, стратегик, ҳуқуқий ва бошқа рисклар. Хусусан, корпоратив рисклар қўйидагилардан ташкил топади, қаранг 3-жадвалга.

**3-жадвал**

**Қишлоқ ҳужалиги корхоналарининг умумий корпоратив / бизнес рисклари<sup>3</sup>**

Корпоратив / Бизнес рисклар	Стратегик рисклар	Корпоратив стратегияни тўғри танланиши		
		Корхона ташкилий тузилмасининг мослиги		
		Бозор конъюктурасининг ёмонлашуви		
		Корхонани қайта ташкил этиш, шаклини ўзгартириш		
		Ерга бўлган мулк ҳуқуқининг ўзгариши		
		Узоқ муддатли талаб шакллариининг ўзгариши		
		Ер эгалари, акциядорлар/инвесторлар билан муносабатлар		
	Тижорат рисклар	Узоқ муддатли шартномаларни тузиш		
		Сотиш стратегиялари		
		Рақобатчилар хатти-ҳаракатлари		
		Маҳсулот сифати		
		Шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги		
	Ҳуқуқий рисклар	Хўжалик қонунчиликлариининг ўзгариши		
		Шартномларининг ҳуқуқий таъминоти		
		Корхонанинг даъво талаб ишлари		
		Активларни музлатиш/санкциялар/мусодара		
	Ходимлар риси	Қишлоқ аҳолиси сонининг камайиши		
		Махсус билими кадрларнинг етишмаслиги		
		Рағбатлантириш тизими		
		Ўғирлик, фирибгарлик, мансабни суистеъмол қилиш		
		Касаба уюшма хатти-ҳаракатлари		
		Миллатчилик, ижтимоий тартибсизликлар ва бошқалар		
	Информа- цион рисклар	Қарор қабул қилишда ахборот таъминоти		
		Маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш		
		Маълумотлар базасининг йўқотилиши, путр етиши		
	Сиёсий рисклар	Ички	Ўзлаштириш, миллийлаштириш	
			Табий монополияларни ислоҳ қилиш	
Қишлоқ хўжалигига дотациялар ва субсидияларининг камайиши				
Инвестицион муҳитдаги сезиларли ўзгаришлар				
Ташқи		Урушлар, ғалаёнлар, тартибсизликлар		
		Ўзлаштириш, миллийлаштириш		
		Экспорт импорт чекловлари		
		Капитал ҳаракатининг чекланиши		
Урушлар, ғалаёнлар, тартибсизликлар				
Имиж рисклари				

Корхонанинг ўзига хос хусусиятларига қараб, корпоратив ёки “бизнес” рискларнинг таркиби, шунингдек ушбу рискларнинг аҳамияти ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Умуман олганда, биз ушбу рисклар тўғридан-тўғри қўшилган қиймат яратмайдиган, лекин корхонанинг нормал ишлаши учун зарур бўлган

<sup>3</sup> Адабиётлар таҳлили натижасида муаллиф томонидан тайёрланди

“ёрдамчи” ёки “хизмат кўрсатиш” бизнес-жараёнларига тегишли деб аташимиз мумкин.

Рискларни бошқариш тизимини шакллантириш алгоритмининг **учинчи босқичи** рискларни баҳолаш ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, замонавий адабиётларда индивидуал рискларни баҳолашнинг жуда хилма-хил усуллари мавжуд. Шу билан бирга, уларни қўллаш бўйича муаммолар аниқланди, сабаби мавжуд усуллар қишлоқ хўжалиги соҳаси учун эмас балки, молия институтлари учун ишлаб чиқилганлиги аниқланди.

#### 4-жадвал

#### Рискларни миқдорий баҳолаш усуллари<sup>4</sup>

Методларнинг туркумланиши	Методларнинг таснифи	Мисоллар	Ижобий хусусиятлари	Салбий хусусиятлари	Қўлланилиш соҳаси
Статистик	Математик статистика ва эҳтимоллар назарияси усуллари-дан фойдаланган ҳолда статистик маълумотларининг массивини таҳлил қилиш ва моделлаштиришга асосланган	Value-at-risk, Cash-flow-atrisk	Ҳисоботларнинг юқори аниқлиги, турли хил сценарияларни моделлаштириш имконияти, қисман стандартлаштириш	Маълумот ва таҳлилнинг юқори харажатлиги, танланган моделнинг тўғрилиқ risks	Инвестиция ва бозор riskлари
Аналитик	Маълумот тўплаш ва объектив таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш, миқдорий ва сифат кўрсаткичларига асосланган	Рейтинг усуллари, молиявий таҳил, суғурта қопламалари ва франшиза	Таҳлил қилиш учун индивидуал кўрсаткичларнинг мавжудлиги, юқори бўлмаган нархларда объектив баҳолаш имкониятларининг мавжудлиги	Баҳолашнинг субъективлиги, ҳар доим ҳам ўлчаб бўлмайдиган кўрсаткичлар (молиявий riskни баҳолаш), стандартларнинг йўқлиги	Кредит, инвестицион ва операцион riskлар
Эксперт	Ранжирлаш методлари ва қиёсий баҳолашдан фойдаланган ҳолда миқдорий ва сифат кўрсаткичларини субъектив таҳлил қилишга асосланади	Муҳандислик баҳолаш, riskларни ранжирлаш	Арзон нархларда ва тезкор натижага эришиш, катта маълумотларни тўплашни кераги йўқлиги	Инсон омилига юқори даражада боғлиқлик (мутахассис), молиявий riskларни баҳолашдаги қийинчиликлар	Ишлаб чиқариш riskларини текшириш, risk харитасини тузиш, устуворликларни аниқлаш

Рискларни бошқариш жараёнининг **тўртинчи босқичи** riskларга таъсир қилиш ёки riskларни қоплаш усуллари танлашдир.

#### 5-жадвал

#### Рискларга таъсир қилиш усуллари<sup>5</sup>

Риск тоифаси	Риск	Қоплаш (камайтириш) усуллари
--------------	------	------------------------------

<sup>4</sup> Адабиётлар таҳлили натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>5</sup> Муаллиф ишланмаси

Операцион рисklar	Ишлаб чиқариш рисклари	Мол-мулкни, ишлаб чиқариш узилишларини суғурта қилиш, инқироз шароитида ҳаракатларни режалаштириш, огоҳлантириш тадбирлари
	Таъминот рисклари	Ишлаб чиқариш узлуксизлигини режалаштириш; ўзини-ўзи суғурталаш
	Жавобгарлик рисклари	Жавобгарликни суғурталаш
	Транспорт рисклари	Юк, денгиз суғуртаси, ишлаб чиқариш узлуксизлигини режалаштириш
Молиявий рисklar	Кредит рисклари	Ўзини-ўзи ва кредит рискларини суғурталаш, лимитларни ўрнатиш
	Ликвидлик рискли	Ўзини-ўзи суғурталаш, лимитларни ўрнатиш, пул оқимларини бошқариш
	Инвестицион рисklar	Лойиҳаларни баҳолаш ва мониторинг қилиш, инвестицияларни лойиҳалаштиришда рисklarни ҳисобга олиш, ҳамкорлар рисklarини баҳолаш
	Режалаштириш рисклари	Инқироз шароитида ҳаракатларни режалаштириш, бизнес режаларни режалаштириш ва мувофиқлаштириш
	Солиқ рисклари	Солиқ қонунчилиги мониторинги, ички бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳисоботи таркибини мониторинг қилиш
Бозор рисклари	Биржа нархларининг ўзгариши	Молиявий деративалар орқали хеджирлаш, ўзини-ўзи суғурталаш, маҳсулот портфелини диверсификация қилиш, қатъий нархлар бўйича узок муддатли шартномалар тузиш
	Фоииз рисклари	Қатъий фоииз ставкалари бўйича узок муддатли шартномалар тузиш
	Валюта рисклари	Даромад ва харажатларни битта валютада мувофиқлигини режалаштириш
Умумий корпоратив / бизнес рисklar	Стратегик рисklar	Инқирозли вазиятларни режалаштириш, корхона стратегиясини шакллантириш ва ўзгартириш тартиби, стратегик алтернативаларни танлашда рисklarни баҳолаш тартиби, қўшилиш ва бирлашиш
	Тижорат рисклари	Маҳсулот сифати ва шартномалар бўйича мажбуриятларни, рақобатчиларни назорат қилиш
	Ҳуқуқий рисklar	Қонун ҳужжатлари, шартнома шартлари, низолар мониторинги
	Ходимлар рискли	Корпоратив маданиятни шакллантириш, рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, касаба уюшмаси билан муносабатлар, ишберувчи, раҳбарлар ва менежерларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш
	Информацион рисklar	Ахборот оқимларини тўғри режалаштириш, уларни ҳимоя қилиш жараёнларини, маълумотларнинг захира нусхаларини шакллантириш
	Сиёсий рисklar	Сиёсий рисklarни суғурталаш, хорижий корхоналарнинг қарздорлиги, шу жумладан халқаро ташкилотлар орқали пул маблағларини бошқариш, ташқи активлардан минималлаштириш
	Имиж рисклари	Жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш,

Амалга ошириладиган кўплаб усуллари ва воситалар мавжудлигига қарамай амалда рисklarни бошқаришнинг асосий тўртта “ечимларини” ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу “ечимлар” доирасида бошқарув воситаларини танлаш, уларга таъсир қилиш даражаси ва бошқаларда турли хил ўзгаришлар бўлиши мумкин, аммо принципиал равишда барча танлов шу тўртта ечимларга бориб тақалади ва улар қўйидагилардан иборат:

1) Рискдан қочиш – юқори риск билан тавсифланадиган маълум ҳаракатларни бажаришдан ўзини тийиш.

2) Рискни бошқариш ва олдини олиш – риск ҳодисаси эҳтимолини камайтириш ёки унинг оқибатида келиб чиқадиган зарарни камайтириш юзасидан фаол таъсир кўрсатиш.

3) Рискни сақлаш – риск даражаси мақбул даражада бўлганда ва ушбу рискга таъсир қилиш имконсиз ёки иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган ҳолларда қўлланилади.

4) Рисklarни ўтказиш – бу корхона томонидан унга таъсир қилиш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан асоссиз ва риск даражаси йўл қўйиладиган

даражадан ошган ҳолатларда рискни учинчи шахсларга ўтказишдир. Булар рискларни суғурта қилиш орқали, шунингдек молиявий бозорларда хеджирлаш орқали ёки шартномавий келишувлар орқали амалга оширилади. Рисклар гуруҳига таъсир қилиш бўйича одатий қарорлар 5-жадвалда тизимлаштирилган.

Рискларни бошқариш жараёнининг **яқуний босқичи** бошқарув самарадорлигини мониторинг қилиш тизимини яратиш ва мониторинг натижаларига асосланган ҳолда бошқарув сиёсати ва жараёнларига ўзгартиришлар киритишдир.

Мониторинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- Рискга таъсир қилиш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- рискларни баҳолашдаги ўзгаришларни назорат қилиш ва рискга таъсир қилиш усуллари мувофиқлаштириб туриш;
- ташқи муҳитдаги ўзгаришларни назорат қилиш;
- рискга таъсир қилиш жараёни самарадорлигини мониторинг қилиш (рискни камайтириш ва уни молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш), амалдаги жараён ва воситаларни мувофиқлаштириб туриш;
- янги рискларни аниқлаш.

### **Хулоса ва таклифлар**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рисклари ўзига хосдир ва улар корхона фаолиятининг ихтисослашганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги корхоналари рискларини таснифлаш тармоқ хусусиятига эга ва шу билан бирга ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектга хос бўлган умумий риск белгиларини ўзида мужассамлаштиради.

Шундай қилиб, корхонада рискларни минималлаштириш ва бошқариш учун ишлатиладиган қўплаб воситалар мавжуд. Муайян корхона учун рискларни бошқариш воситаларидан самарали фойдаланиш ёки мақбулини танлаш унинг sanoat соҳаси ва фаолият шароитларига боғлиқдир

Таклиф этилаётган методология доирасида рискларни бошқариш тизимини ташкил этишнинг жиҳатларига, хусусан рискларни бошқариш бўйича таркибий бўлинмани ташкил этишга катта эътибор берилади. Миллий корхоналарда рискларни бошқариш тизимини жорий этиш тажрибасини таҳлил қилиш, таклиф қилинаётган алгоритм асосида хўжалик юритувчи субъектларда қарорлар қабул қилиш тизимини ташкил этиш мумкинлиги кўрсатди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Sagdiev R.S. (2020) Systematization and insurance of innovative risks. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, Pages 3909-3915.
2. Hao Aimin. Uncertainty, Risk Aversion and Risk Management in Agriculture. Agriculture and Agricultural Science Procedia 1 (2010). Pages 152–156.

3. Панягина А. Е. Основные принципы и этапы управления рисками организации // Концепт. – 2013. – № 03 (март). – ART 13050. – 0,5 п. л. – URL: <http://e-koncept.ru/2013/13050.htm>.

4. Г. В. Чернова Страхование и управление рисками: учебник для бакалавров / под ред. Г. В. Черновой. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2014. — 768 с.

5. С.В. Романова, М.А. Крутова Риски как объект антикризисного управления предприятием: анализ и основные методы минимизации. Journal of Economy and Business, vol. 3-2 2019. – с. 82-86.

6. Буньковский Д.В. Инструменты управления предпринимательскими рисками // Вопросы управления. 2019. № 1 (37). С. 65 - 76.

7. Хохлов В.Н. Управление риском. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 239 с.

8. Д.А. Делахов, Н.Д. Каратаев Риск-менеджмент в предпринимательской деятельности. Дискуссия журнал научных публикации. № 5(79) МАЙ 2017. – с. 31-34.

9. Кочетков В.Н., Шипова Н.А. Экономический риск и методы его измерения. Учеб пособие. – К.: Европ. Ун-т финансов, информ. Систем. Менеджмента и бизнеса, 2000. – 60 с.